Ушбу сонда:



МУЛЗАМЛИК 2

САВОБ — УНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ? 3

ҚОРА ГУРУҲ ҚИЛМИШИ 4


**MEZON:**

**Товар (иш, хизмат) лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.**

**Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш таъқиқланади.**

**"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 10-МОДДА.**


*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 12 (368)
2004 йил 30 март
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда


## РАСМИЙ АХБОРОТ

2004 йил 29 мартга ўтар кечаси ва шу куни эрталаб Тошкент шаҳрида бир қатор террористик ҳаракатлар содир этилди. Жумладан, Чорсу бозори ҳудудидаги "Болалар дунёси" магазинига кираверишда амалга оширилган портлаш натижасида икки киши ҳалок бўлди. Улардан бири мазкур магазиннинг қоровули, иккинчисининг шахси аниқланмоқда. Етти киши турли даражада тан жароҳати олди.

Дастлабки маълумотларга кўра, бу фожиага қўлда ясалган портлатиш мосламасининг номаълум шахс томонидан ҳаракатга келтирилгани сабаб бўлган.

Шу куни соат 9 дан 24 минут ўтганда "Кўкалдош" мадрасаси ёнида террорчининг белига боғланган қўлда ясалган яна бир портлатиш мосламаси ҳаракатга келтирилди. Ушбу жиноятни содир этган террорчининг шахси аниқланмоқда.

Мазкур портлашлардан аввал қуйидаги воқеалар содир бўлган эди. 28 март кечқурун ва 29 март тонгида қуролланган жиноятчилар хизмат вазифаларини бажараётган милиция ходимлари ва патрул постларига ҳужум қилди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати ёнидаги "Қушбеги" кўчасида милиция ходимлари хатти-ҳаракатлари шубҳали кўринган уч номаълум шахсни тўхтатиб, ҳужжатларини текширмоқчи бўлганларида, улар милиционерларга қарата қуроллардан ўқ узишган. Натижада катта лейтенант М.Турғунов воқеа жойида ҳалок бўлган, капитан М.Қолдибоев эса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган.

29 март куни эрталаб соат 5 да Тошкент трактор заводи яқинидаги чорраҳада қуролланган учта жиноятчини қўлга олиш пайтида икки милиция ходими ҳалок бўлди.

28 март куни кеч соат 22.00 га яқин Бухоро вилоятининг Ромитан тумани "Қаҳрамон" қишлоғида яшовчи нафақахўр Неъмат Раззоқовнинг уйида юз берган портлаш натижасида тўққиз киши ҳалок бўлди.

Дастлабки тергов маълумотларига кўра, бу уйдан террористик актларни содир этиш мақсадида селитра ва алюминий кукуни аралашмасидан тайёрланган портловчи мосламалар топилган.

Тергов гуруҳлари Тошкент шаҳри ва Ромитан туманида содир этилган портлашларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқламоқда.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террористик актлар тайёргарлиги ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганлигидан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятидан топилган кўплаб миқдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни, детонаторлар буни исботлаб турибди. Жумладан, Тўйтепа шаҳрида яшовчи Фурқат Юсупов 10 дона портлатиш мосламасини Тошкентга олиб келаётганида қўлга олинган.

Бу ва бошқа далиллар энг аввало Тошкент ва унинг атрофида содир этишга мўлжалланган террористик ҳаракатларга одамлар юрагига қўрқув ва ваҳима солиш, уларнинг ҳаётига хуруж қилишни мақсад қилиб олган тажрибали жангарилар томонидан жиддий ва узоқ муддат давомида тайёргарлик кўрилганидан далолат беради.

Террорчи гуруҳларнинг ёвуз ва узоқни кўзлаб амалга оширган шу ва бошқа шунга ўхшаш жиноий ҳаракатларини тергов қилиш ва олдини олиш мақсадида:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари киритилди;

— Барча вилоятларда вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарлари ва терроризмга қарши кураш бўйича етакчи мутахассислардан иборат комиссиялар тузилди;

— Мамлакат ҳудудида террористик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди ва кўрилмоқда. Бу йўналишда маҳалла қўмиталари ва жамоат ташкилотлари билан тегишли ишлар олиб борилмоқда;

— Ташкил этилган комплекс гуруҳлар тергов ишларини бошлаб юбордилар. Террористик хуружлар ва уларнинг манбаларига қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида қўшни мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари билан алоқалар ўрнатилди.

Террористик ҳаракатларни тергов қилиш ва олдини олиш бўйича ташкил этилган ҳукумат комиссияси республика аҳолисини ҳушёрлик ва огоҳликка, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмак беришга чақиради.

**ЎзА.**

*Маълумки, 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар натижасида бир неча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олди.*

*Бу жиноий ишларга алоқадорликда гумон қилинаётган бир неча шахслар қўлга олиниб, ҳозирги вақтда тергов ишлари олиб борилмоқда.*

*Шу воқеалар муносабати билан Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервью берди.*

## ЁВУЗ КУЧЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

Аввалambор, рўй берган мудҳиш воқеаларда бегуноҳ қурбон бўлганларга, ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзиямни изҳор этиб, ярадор бўлганларга ўз ҳамдардлигимни билдирмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари.

Президент ушбу воқеалар, улардан чиқадиган хулоса ва сабоқлар ҳақида тўхталар экан, қуйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлади.

Дастлабки хулоса шуки, бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани аён бўлмоқда.

Бундан кўзланган мақсад - эл-юртимизнинг тинчлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштириш, одамларнинг юрагига ғулғула, ваҳима солиш, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатимизга бўлган ишончни йўқотиш, эзгу ният ва амалий ишларимизга тўсиқ бўлишдан иборатдир.

Бу масала бўйича тергов олиб бораётган ваколатли органлар томонидан бугуннинг ўзида тўпланган ашёвий далиллар, шу жумладан, қурол-яроғ, портловчи моддалар, экстремистик руҳдаги диний адабиётлар, тинч аҳолига талафот етказишга мўлжалланган воситаларнинг мавжудлиги амалга оширилган бу террористик хуружларга бир неча ой давомида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик кўрилгани, бунинг ортида катта маблағ ва имкониятларга эга бўлган экстремистик марказлар турганини кўрсатмоқда, деди Президент.

Аслида бу террорчилик хуружларини қабиҳ кучлар Наврўз кунлари, одамлар майдон ва хиёбонларга тўпланиб, байрам қилаётган жойларда амалга оширишни мўлжаллаган эди. Бизнинг байрамни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратганимиз уларнинг разил режаларини барбод қилгани маълум бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу воқеаларнинг бундан беш йил олдин, 1999 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар билан боғлиқлигини, уларнинг услуби ўхшашлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Яна бир кўзга ташланадиган жиҳат - террорчилар бу жиноятларни асосан одамлар гавжум жойларда, бозорлар, савдо дўконлари, транспорт бекатлари атрофларида амалга оширишга уринишган.

Содир этилган жиноятларнинг яна бир хусусияти - ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиб, бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш ва талафот етказиш ҳолатлари бизнинг шароитимизда илгари рўй бермаган эди.

Буни баъзи хорижий мамлакатларда бугунги кунда учраётган қўпорувчилик ҳаракатларининг нусхаси ва кўриниши деб баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда рўй берган мазкур воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура раҳбарларидан иборат таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимлар раҳбарлигида ана шундай комиссиялар тузилиб, тезкор амалий ҳаракатлар бошланди ва бу ишлар ўз натижаларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари, мана шундай масъулиятли бир шароитда ўз юртининг тинчлигини, аёлларимиз ва болаларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётини сақлашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган ҳар қайси юртдошимиз, ҳар қайси фуқаро бу ишга ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, тураржойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.

Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, машаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, менинг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилмоқчиман, деди Ислом Каримов. Ишонаманки, сизлар бундай ғаразли хуружларга қарши ўз қатъий фаолиятингиз, жонкуярлигингиз билан халқимизни бирлаштиришга, бир мушт бўлиб ёвуз кучларга қарши зарба беришга қодир эканингизни бу сафар ҳам амалда кўрсатасизлар.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бундай жирканч, ёвуз бало-қазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз, бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур.

Мен мана шундай вазиятда 1999 йили Олий Мажлис минбарида туриб айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Биз манфур террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз, уларни маблағ билан таъминлаётган манбаларни, одамларни дин ниқоби остида чалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллаётган куч ва марказларни албатта аниқлаймиз. Ўз халқига, ўз ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз, деди пировардида Президент Ислом Каримов. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам албатта етади.

**ЎзА.**

## ТЕРРОРЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар элчихоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров 28-29 март кунлари пойтахтимизда ҳамда Бухоро вилоятида содир этилган террористик ҳаракатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари бошланганини маълум қилди.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганидан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида қўлга олинган кўплаб миқдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни ва детонаторлар буни исботлаб турибди.

Бундай жиноятларнинг сабабини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилганини Бош прокурор таъкидлаб ўтди.

Ташқи ишлар вазири С.Сафоев дунё бўйлаб террорчилик ҳаракатлари содир этиш кўпайганини, жаҳон ҳамжамияти бу машъум балога қарши ҳамкорликдаги курашни янада кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

**ЎзА.**

**Taklif va mulohaza**

## ТРАФФИК ЖИНОЯТИ:
## ҚОНУНЧИЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК

Қонунчиликда миллий ҳуқуқ тизимлари билан бир қаторда халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳам амал қилади. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари БМТ Низоми, 1975 йилда қабул қилинган Хельсинки якунловчи ҳужжати ва бошқа халқаро ҳужжатларда қайд этилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи бўлган халқаро жиноят ҳуқуқига оид урушни тарғиб қилиш; агрессия; урушнинг қонун ва удумларини бузиш; геноцид; ёлланиш; терроризм; миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш каби халқаро жиноятлар мамлакатимиз Жиноят қонунчилигида ҳам акс эттирилган.

Шу сабабли уюшган жиноятчилик, хусусан, халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-аслаҳаларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдосининг (траффик) ҳар қандай кўринишларига қарши кураш муаммоси нафақат халқаро ҳуқуқ, балки миллий жиноят ҳуқуқида ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Қуйида ана шу масала билан боғлиқ айрим таклиф ва мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик.

Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқда одам савдоси "траффик" атамаси билан ифода этилмоқда. Ушбу ибора луғавий жиҳатдан ғализроқ бўлиб, бу сўзнинг ўзбек тилидаги асл маъносини тўлиқ англатмайди. Чунки «траффик» атамаси лотин тилидаги "traffiso" сўзидан олинган бўлиб, уни дастлаб италияликлар муомалага киритган. "Трафико" италянчада тижорат, савдо маъносида истифода этилган. Бу сўз дастлаб "табак траффик" шаклида қўлланилган бўлиб, ўзбекча маъноси тамаки савдоси, тамаки билан тижорат қилиш демакдир. Кейинчалик италияликлар уни қисқача "траффик" деб аташга одатланган. Шу тарзда "трафф" сўзи ўзаги асосида янги сўз — "трафикант", яъни савдо қиладиган дўкон эгаси, дўкондор сўзи келиб чиққан.

Фикримизча, она тилимизнинг софлигини асраш, шунингдек, ушбу сўзни тушунишда қийинчилик туғилмаслиги учун ҳуқуқшуносликда "одамлар траффиги" ўрнига "одам савдо" атамасидан фойдаланган маъқул. "Траффик" сўзини ишлатиш шарт деб ҳисобланса, уни қавс ичида, изоҳ тариқасида ёзса ҳам бўлади.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда инсонларни камситиш, ҳуқуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноий қилмишлар кўплаб содир этилмоқда. Бу эса бундай жиноятга қарши курашни янада кучайтириш, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақозо этади. Ана шу муаммоларга оид халқаро қонунчилик меъёрларини ишлаб чиқишга киришилгани бундай жиноятларнинг тараққиётга жиддий ва ўта ижтимоий хавфли таҳдид эканидан далолатдир. Дунё матбуотида эълон қилинаётган маълумотлар одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро жиноят ҳуқуқи имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини кўрсатмоқда. Мисол учун айтсак, АҚШда ҳар йили вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик бўйича 150-200 минг ҳолат аниқланар экан.


*(Давоми учинчи бетда)*


*Мамлакатимизда барча соҳаларга тегишли муносабатлар қонун билан тартибга солинади. Бундан қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам мустасно эмас. Шу ўринда ерга ноқонуний муносабатда бўлиш оқибатида юзага келадиган ер ҳуқуқбузарлиги ҳақида сўз юритмоқчимиз.*

**Huquqiy savodxonlik sari**

## ЕР ВА ҚОНУН



Ер ҳуқуқбузарлигини ер қонунчилиги меъёрларини бузувчи айбли хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб тушуниш мумкин. Ер ҳуқуқбузарлиги давлатнинг ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, ердан қонуний фойдаланиш тартиби, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган бўлиб, шу ҳуқуқ ва манфаатларнинг амалга оширилишига тўсиқ бўлади. Демак, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, ерга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга ҳалал берадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонунга қарши ҳар хил хатти-ҳаракатлар орқали бузилиши мумкин. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузувчи бундай хатти-ҳаракатлар тури Ер кодексининг 90-моддасида кўрсатилган. Буларга қуйидагилар киради: ер участкаларини сотиб олиш ва сотиш, совга қилиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан айрибошлаш, ўзга мақсадларда фойдаланиш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ерларни бузиш, уларни кимёвий ва радиоктив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари, оқова сувлар билан булғатиш; ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаш, ишга тушириш, вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик, ер эгалиги ва фойдаланиладиган ерлар чегараларининг марза белгиларини йўқ қилиб ташлаш, ерларининг давлат рўйхати, ҳисоб-китоби ва баҳоланиш маълумотларини сохталаштириш ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик, ердан хўжасизларча фойдаланиш, тупроқни шамол, сув таъсирида нурашдан сақлаш мажбуриятларини бажармаслик ва бошқалар. Ушбу ер ҳуқуқбузарликлари ер низоларини келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундай ташқари, қонунда мустаҳкам белгилаб қўйилганки, эгаликдаги ёки фойдаланишда бўлган ер участкаларини бошқа субъектларга бериш фақат шу ер участкаси қайтарилиб олингандан сўнг амалга оширилади.


*(Давоми иккинчи бетда)*


**Ajab savdolar**

*Халқимизнинг "етти ўлчаб бир кес", "аввал ўйла, кейин сўйла", деган пурмаъно мақоллари замирида, ҳеч шубҳасиз, катта маъно-мазмун бор. Й.Охунбобоев туманидаги "Мисқол" кўп тармоқли фирмаси раҳбари Содиқжон Юнусов ҳам бошламоқчи бўлган ишни аввал роса ўйлади. Сўнгра «Туронбанк»нинг Фарғона вилояти бўлимидан 3000000 сўм миқдорида ўрта муддатли кредит олишга қарор қилди.*

## "АДАШГАН" АКЦИЯЛАР

Маълумки, ҳар қандай банк ўз маблағини ҳеч қандай ҳужжатларсиз мижозларининг қўлига тутқазиб қўявермайди. Бу икки карра икки — тўрт, дегандек айни ҳақиқат. Тадбиркор С.Юнусов ҳам бизнес режа ва бошқа зарур ҳужжатларни банкка тақдим қилиш билан бир қаторда Лангар қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Тепатаги қишлоғида жойлашган хусусий савдо дўкони биноси, айвони ҳамда омборхонасини кредит таъминоти сифатида гаровга қўяди. Барча иншоотларнинг умумий нархи 2.767.868 сўм этиб белгиланади. Шундан сўнг "Туронбанк»нинг Фарғона бўлими билан "Мисқол" кўп тармоқли фирма раҳбари ўртасида 2001 йилнинг 25 сентябр куни 34-сонли кредит шартномаси тузилади. Шартноманинг биринчи бўлимида банк тадбиркорни 3 миллион сўм миқдорида кредит маблағи билан таъминлаш мажбуриятини олади ва бу маблағнинг 2 миллион сўмини 2001 йилнинг 2 октябрдаги тўлов топшириқномаси орқали супурги пояси олиш учун Марғилон шаҳридаги "Ҳурриятхон ая" фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кредит маблағининг қолган 1 миллион сўми 2001 йилнинг 29 сентябр кунидаги тўлов топшириқномаси билан С.Юнусовнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лекин бу маблағ 2001 йилнинг 30 сентябр куни биринчи сонли тўлов топшириқномаси орқали банкнинг ҳисоб рақамига қайтиб тушади. Бу ҳол "акция сотиб олиш учун ўтказилди", деб изоҳланади.

Орадан кўп ўтмай банкнинг қарз бериш бўлими мутахассиси Ф.Халилов томонидан 2001 йилнинг 3 ноябр куни "Мисқол" кўп тармоқли фимасига ажратилган кредит маблағини мақсадли ишлатиш бўйича мониторинг ўтказилади. 2001 йилнинг 30 сентябр кунги тўлов топшириқномасига асосан хусусий тадбиркор томонидан банкнинг бир миллион сўмлик акциялари сотиб олингани натижасида бизнес-режа бузилгани аниқланади. Лекин Ф.Халилов ушбу ҳолатларни далолатномада яшириб, мониторинг хулосасида кредит маблағлари мақсадли ишлатилаётганини кўрсатиб ўтади. Бошқача айтганда, у кўра-била туриб, кўзбўямачиликка йўл қўяди.

Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 7 март куни 907-сон билан рўйхатга олинган **"Фермер хўжаликлари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан миллий валютада кредитлаш тўғрисида"**ги Тартибнинг 3-бандида банк томонидан ажратилган кредитни мақсадсиз равишда ишлатиш ҳолати аниқланганда, банк мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамидан берилган кредит маблағини кредит шартномасида белгиланган муддатдан илгари ундириб олиши кўрсатилган.


*(Давоми иккинчи бетда)*

Ajab savdolar

# “АДАШГАН” АКЦИЯЛАР

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Лекин банк томонидан ушбу кўрсатма қўпол равишда бузилган. Банкнинг ўз ишига масъулиятсизлиги оқибатида “Мисқол” кўп тармоқли фирмасига кредит шартномасидаги уч миллион сўм ўрнига икки миллион сўм берилган. Қолган маблағнинг ўрнига эса банкнинг акциялари берилгани боис фирма кредит маблағларини ўз вақтида қайтариб беролмаган.

Шундан сўнг орадан бир йил ўтиб, яъни 2002 йилнинг 12 декабр куни банк “Мисқол” кўп тармоқли фирмасидан кредит маблағини фоизи билан ундириб бериш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритади.

Вилоят хўжалик судининг 2003 йил 5 феврал куни чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан “Мисқол” кўп тармоқли фирмасига икки миллион сўм асосий қарз, 34900 сўм кредит фоизи ва 62500 сўм суд харажатларини тўлаш мажбурияти юкланди. “Мисқол” кўп тармоқли фирмасининг ҳисоб рақамида пул маблағлари йўқлиги сабабли ижро иши Содиқжон Юнусовга тегишли бўлган кредит таъминоти сифатида қўйилган Тепатаги қишлоғида жойлашган умумий нархи 2.767.868 сўмлик хусусий савдо дўконига қаратилди. Мазкур савдо дўкони 2003 йилнинг 6 июн куни суд иштирокчилари томонидан “Кўчмас мулкни сотиш тўғрисида”ги 1-сонли шартномага асосан “Қаюмов Ғанишер” деҳқон хўжалигига сотилди.

Тадбиркор Содиқжон Юнусовнинг ҳуқуқлари шу тарзда поймол этилгач, вилоят адлия бошқармасига ариза ёзди. Ушбу аризани ўрганиш жараёнида 2001 йилнинг 29 сентябр куни ҳеч қандай шартнома тузилмай банк томонидан мажбурий равишда тадбиркорга бир миллион сўмлик акциялар берилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, банк 3000000 сўмлик кредит маблағини 2001 йил 25 сентябрда тузилган кредит шартномасига асосан банкнинг алоҳида қарз ҳисоб варағидан “Мисқол” кўп тармоқли фирмасининг ҳисоб рақамига ўтказиши ва тадбиркор томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режада кўрсатилган супурги ишлаб чиқариш харажатлари учун бериши лозим эди. Бироқ банк ходимлари тадбиркорга шароит яратиб беришдан кўра, унинг йўлига тўсиқ қўйишган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, **“Тадбиркорлик эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонуннинг 8-моддасида ҳар бир ишбилармон мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириши, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиши кўрсатилган. Шунингдек, мазкур қонуннинг 15-моддасида тадбиркорлик субъектларини кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши, 30-моддасида эса, тадбиркорлик фаолиятлари субъектлари кредит ресурсларидан эркин фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ тенг ҳуқуқларга эгалиги ва амалдаги қонунларга асосан кўрсатилган кредитларни берган тижорат банклари кредитлардан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг қайтарилишини назорат қилиш лозимлиги белгиланган. Лекин банк томонидан ушбу қонуний талабларга амал қилинмаган.

Мазкур қонуннинг 38-моддасида эса, тадбиркорлик фаолияти субъектига етказган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда, шу жумладан, бой берилган фойдани қўшиб қоплаш кераклиги ва зарар етказувчи бўлмаган шахс зиммасига қонун билан зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юклатилиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 985-моддасида зарар етказган учун жавобгарликнинг умумий асослари кўрсатилган бўлиб, унда ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда, зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги, қонунда зарарни тўлиқ мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкинлиги ҳамда қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкинлиги баён этилган.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси яқинда “Мисқол” кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари С.Юнусовнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритди. Унда “Туронбанк”нинг Фарғона вилояти бўлими собиқ бошқарувчиси А.Собиров, кредит қўмитаси аъзолари Н.Асқарова, С.Ҳошимов, В.Сиддиқов, бошқарувчи А.Ҳайдаров, банк бош мутахассиси Ф.Халиловлардан солидар тартибда “Мисқол” кўп тармоқли фирма раҳбари С.Юнусов фойдасига бой берилган беш юз минг сўм фойдани ҳамда гаровга қўйилган мулкнинг 2.767.868 сўмлик баҳосини ундириш сўралган. Бундан ташқари, айбдорлардан солидар тартибда юз минг сўмлик маънавий зарар ундириш ҳам кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантиришга катта аҳамият берилпяти. Бироқ айрим жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга тўғаноқ бўлаётган сунъий тўсиқлар ҳам йўқ эмас. “Туронбанк”нинг Фарғона вилояти бўлими мутасаддиларининг тутган йўли ҳам бунга яққол мисолдир. Ўйлаймизки, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди мазкур масалага ижобий ёндашади ва тадбиркорнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқи тикланади.

**Маҳмуджон ТОЖИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Gazetxon xat yo`llabdi

## “ҚОНУНИЙ БОҒЛИ БЎЛДИК”

***Ҳурматли таҳририят ходимлари!***

***Сизларга ишониб йўллаган мактубимга ўз вақтида эътибор қаратганларингиз ва холис ёрдам кўрсатганларингиз учун оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман. Тўғриси, ўзимиз пешона теримиз билан барпо этган боққа эгалик қилолмай, тушкун кайфиятга тушган эдик. Танишларимиздан бири “Инсон ва қонун” таҳририятига мурожаат қилишимизни маслаҳат берганда, рости гап, бир ишониб, бир ишонмай мактуб жўнатган эдик.***

***Таҳририят назоратга олгач, барча ишларимиз юришиб кетди. Боғнинг қонуний эгасига айландик.***

**Беминнат ёрдамларингиз учун сизларни дуо қилиб қолувчи**

Мастурахон ая СУЛТОНОВА
Наманган шаҳри, С. Адашев кўчаси 18-боши берк кўча, 15“а” уй

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

***Мен ўн беш йилдан ошиқроқ Тўрткўл тумани нефть базасига қарашли 72-сонли АЁҚШда навбатчи оператор бўлиб хизмат қилдим. Ана шу вақт мобайнида бирор марта ҳам интизомий жазо олганим йўқ. Лекин адолатпарварлигим, иш мобайнида сохтагарчиликларга йўл бермаганим учун мени айрим раҳбарлар ёмон кўриб қолишди. Натижада “штатлар қисқарди”, деб мени ишдан бўшатишди. Эртаси куни иш жойимга борсам, ўрнимга бошқа одамни олишган экан.***

***Ана шундан кейин фуқаролик ҳуқуқимни ҳимоя қилишларини сўраб фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига мурожаат этдим. Очиғи, айрим танишларим “судга бекорга мурожаат қилибсан. Улар сенга ёрдам беришмайди”, дейишганди.***

***Ишнинг натижасига қараб кўрдимки, бу гаплар ёлғон экан. Судья П. Пиржонов раислигида ўтган суд жараёнида мен ютиб чиқдим. Суднинг ҳал қилув қарори бўйича, ишимга тикландим ва мажбурий бекор юрган вақтим учун ойлик маошларим ҳам ундириб берилди.***

***Сизлардан илтимос, газета орқали адолатпарвар судьяларга миннатдорчилигимни етказиб қўйсангизлар.***

Турдибой КУЗДИБОЕВ
Тўрткўл тумани, «Шўрохон» ширкат хўжалиги

# ИЗЗА

***Мамлакатимизда уруғлик пахта етиштириш учун ихтисослашган хўжаликлар сони унчалик кўп эмас. Чунки уруғлик пахта етиштириш учун махсус ташкил этилган танловларда қатнашиб, тегишли тартибда гувоҳнома олингандан сўнггина уруғлик пахта етиштириш учун рухсат берилади. Гулистон туманидаги “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Ўктамқул” фермер хўжалиги ҳам 2001 йилда ташкил этилган танловда қатнашиб, 2-репродукцияли уруғлик пахта етиштириш ва сотиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномага эга бўлди.***



Фермер хўжалиги ўтган йили 13 гектар ер майдонига “АНБ – 2” навли “Р – 1” уруғлик чигит экккан. Сирдарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда вилоят “Пахтасаноат” бирлашмасининг 2003 йил 19 августдаги “2003 йил мавсумида уруғлик учун экилган ғўза майдонларида апробация ўтказиш тўғрисида”ги 81/98-сонли қўшма буйруғига асосан 2003 йил август ойида “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари даласида апробация ўтказиш режалаштирилган. Бироқ бу ҳақда “Ўктамқул” фермер хўжалиги раҳбари на ёзма, на оғзаки тарзда огоҳлантирилмаган.

Сирдарё вилояти “Давуруғназоратмаркази”га қарашли Гулистон тумани пахта уруғчилик лабораторияси мудири Г.Жакиев, Гулистон “Элита уруғчилик” лабораторияси мудири Х.Анорқулов, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Э.Шарипов ва “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалиги бош ҳосилоти А.Абдураҳмоновлардан иборат комиссиянинг 2003 йил 21 августдаги “Ўктамқул” фермер хўжалигининг 13 гектар пахта даласида фермернинг иштирокисиз апробация ўтказиш бўйича тузилган далолатномасида пахта майдонини кучли даражада бегона ўт босгани ва 12 фоиз вильт касаллиги билан зарарлангани қайд этилган. Ушбу далолатнома асосида Сирдарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда вилоят “Пахтасаноат” бирлашмасининг 2003 йил 25 сентябрдаги 103/114 сонли қўшма буйруғи чиқарилиб “Ўктамқул” фермер хўжалигига 2003 йил ҳосилидан уруғлик пахта топшириш режаси миқдори белгиланмайди. Булардан мутлақо бехабар бўлган фермер хўжалиги 2003 йил 17 март куни тузилган 42-сонли контрактация шартномасига асосан пахта тозалаш заводига 31.6 тонна пахта хомашёси топширган. Бироқ юқорида кўрсатилган қўшма буйруққа асосан уруғлик пахта заводга қабул қилинмаган.

Натижада фермер хўжалиги Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги 491-сонли қарорининг 8-бандига мувофиқ 2-репродукцияли уруғлик пахта етиштириб топширган хўжаликларга 50 фоиз миқдорида тўланиши лозим бўлган қўшимча устама ҳақдан маҳрум бўлган.

Бундан воқиф бўлган фермер хўжалиги вилоят адлия бошқармасига мурожаат этади. Вилоят адлия бошқармаси масалани чуқур ўрганиб чиқиб, фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд мажлисида фермер хўжалиги даласида ўтказилган апробация Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган “Уруғлик учун экилган майдонларда ғўза апробациясини ўтказишга оид” қўлланманинг 6-банди 2-қисми, 10-, 11-, 12-, 26-, 29-, 30-бандларига мутлақо зид экани тўлиқ исботини топди. Яъни фермер хўжалигининг иштирокисиз бир томонлама ҳужжатлар расмийлаштирилгани аниқланди.

Шу боис хўжалик суди Сирдарё вилояти “Давуруғназоратмаркази” ва “Пахта уруғчилиги” бирлашмасидан “Ўктамқул” фермер хўжалигига 1.626.224 сўм қўшимча устама ҳақни солидар тартибда ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шу тариқа фермер хўжалигининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини асоссиз поймол қилганлар изза бўлиб қолишди.

**Абдумурод ҚЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Huquqiy savodxonlik sari

# ЕР ВА ҚОНУН

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Шунингдек, бир тоифадаги ер майдонининг бошқа тоифага айлантириш ҳам қонунга биноан ман қилинади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бошқа мақсадлар учун ишлатиш бутунлай қонунга хилоф ҳисобланади. Бундай ўзбошимчаликларга қуйидаги ҳолатни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хоразм вилояти, Хива тумани якка тартибда уй-жой қуриш бошқармаси бошлиғи Ш.Отажонов Огаҳий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги 1,6 гектар суғориладиган ерни туман ҳокимининг тегишли қарорисиз фуқароларга шахсий уй-жой қуриш учун ноқонуний ажратиб берган. Бу ҳолат юзасидан Хива туманлараро прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, Ш.Отажоновга нисбатан Жиноят кодексининг 206-моддаси 2-қисми “в” банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан айирбошлаш давлатнинг ерга нисбатан эгалик ҳуқуқини бузувчи ғайриқонуний битим бўлиб, ҳақиқий ҳисобланмайди ва шу қонунга хилоф ҳаракатни содир қилиш оқибатида ер низоси келиб чиқади.

Ер ҳуқуқбузарлигининг яна бир тури ерлардан ўзга мақсадларда фойдаланишдир.

Ер кодексида бу ҳаракат ҳуқуқбузарлик тури сифатида белгиланган.

Ер кодексига биноан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ердан уни олган пайтда белгилаб қўйилган мақсадлар ва шартларга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга мажбурдир. Ердан мақсадга мувофиқ фойдаланиш деганда, ундан қонунда белгиланган мақсадга мувофиқ, ер эгаси томонидан ерни бериш вақтида келишилган ҳолда фойдаланиш тушунилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим ширкат хўжаликлари раҳбарлари ғараз мақсадларни кўзлаб экин майдонларини статистика идораларига тақдим этилган ҳисоботларда акс эттирмайди. Масалан, Янгибозор туманидаги “Хоразм” ширкат хўжалиги раҳбарлари режадаги 113 гектар ортиқ майдонга кузги буғдой экишиб, буни туман статистика марказига ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тақдим этилган ҳисоботлардан яширишган. Оқибатда ана шу майдонларга жами 4,5 миллион сўмлик харажатлар қилиниб, хўжалик манфаатларига жиддий зиён етказилган. Бундан ташқари, айрим хўжаликларда фуқаролар томонидан экин ерлари ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани ҳам аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан хўжалик раҳбарларига нисбатан Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилган.

Ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларидан бири бўлгани учун ундан фойдаланиш иқтисодни ривожлантиришнинг умумий талабларига жавоб бериши лозим. Шунга мувофиқ ерни бериш даврида ундан фойдаланишнинг аниқ мақсадлари белгилаб олинади ва ердан фойдаланувчилар ана шу мақсадлар асосида фойдаланишга риоя қилишга мажбур бўлади. Ер кодексига мувофиқ фуқароларга ер участкалари деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берилади. Демак, қонунчиликда фуқароларнинг ердан фойдаланишнинг асосий мақсадлари аниқ белгиланган.

Ердан ўзга мақсадларда фойдаланиш деганда, ундан қонунда белгиланган мақсадга номувофиқ равишда, ерни беришда шартлашилган келишувга зид ҳолда фойдаланиш тушунилади.

Ер участкаларидан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш барча ердан фойдаланувчиларнинг умумий мажбуриятлари ҳисобланади. Мақсадга номувофиқ ҳолда фойдаланиш ҳаракатдаги қонунларни қўпол тарзда бузиш деб қаралади ва у ер участкасини олиб қўйилишига сабаб бўлиши мумкин.

Таҳлил этилаётган ҳуқуқбузарлик тури ердан фойдаланувчилар томонидан уларга кўпроқ фойда келтирадиган, лекин қонунда уларни етиштириш тақиқланган ёхуд ерни беришда шартлашилмаган экин турларини ўзбошимчалик билан белгилаш ва етиштириш оқибатида содир этилади. Бунда ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартиришнинг ўзи муҳим аҳамият касб этади.

Ерларни бузиш, уларни кимёвий ва радиоктив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувлар билан булғатиш энг кўп тарқалган ҳуқуқбузарлик турларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, амалиётда бошқача йўллар билан ҳам ерларнинг унумдорлигини яхшилашга зиён етказадиган шахслар учраб туради. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Хоразм вилояти гидрогеология ва мелиоратив экспедицияси раҳбари Т.Болтаев 1999 йил 6 март куни Хонқа тайёрлов ва сотиш жамоа корхонаси раҳбари Қ.Курбонов билан товар етказиб бериш бўйича шартнома тузган, аммо қайси турдаги, қанча миқдорда ва қандай нархларда товар етказиб беришни келишиб олмаган. Шундан сўнг у мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағдан 1.300.000 сўмни мақсадсиз корхона ҳисобига ўтказиб юборган. Ушбу ҳолат юзасидан Т.Болтаевга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилган ва айблов хулосаси билан судга юборилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ер қонунчилигида белгиланган ер ҳуқуқбузарлигининг турлари ерга тааллуқли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунингдек, улар айбдор шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш учун асос вазифасини ўтайди.

**Нурмат АҲМОНОВ,**
**Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари**
**Акмал ЖУМАНОВ,**
**тадқиқотчи**

Dakki

# ҚОНУНБУЗАР “ТЕКШИРУВЧИ”

**“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”** тадбиркорлик субъектларини ноқонуний текширишлардан ҳимоя қилади. Жойларда ўтказилган ўрганишларда қанчадан-қанча тадбиркорлик субъектлари **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”** туфайли турли ноқонуний бюрократик текширувлардан қутулиб қолганини эътироф этишган.

Тадбиркорлар қалқони бўлаётган ушбу китоб Адлия вазирлиги томонидан 2001 йилнинг 15 майида рўйхатга олинган **“Хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида”**ги Низомга асосан юритилади. Ушбу Низом талабларини бузиш интизомий чора – жазога сабаб бўлади.

Масалан, Жиззах вилоят адлия бошқармаси мутахассислари “Уйжойжамғармабанк”нинг вилоят бўлимида юритилаётган **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”**нинг назорат қилувчи идоралар томонидан тўлдирилиши юзасидан мониторинг ўтказганда, Жиззах шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходими Ж.Расулов томонидан ушбу китобни тўлдиришда юқоридаги Низом талаблари жиддий равишда бузилгани маълум бўди.

Ж.Расулов банкда назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг режасида белгиланган қисқа муддатли текшириш ўтказган. Бироқ у **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”**ни тўлдириш тартибларига амал қилмаган. Хусусан почта манзили, раҳбарининг фамилияси, 3-устунида текширувчига гувоҳнома берган идора номи ва гувоҳноманинг амал қилиш муддати, 5-устунда текшириш режа-жадвалини тасдиқлаган идора номи ва уни тасдиқлаш санаси, буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, 6-устунда текшириш турининг тўлиқ номи ва мақсади кўрсатилмаган. Бундан ташқари, Ж.Расулов Китобнинг 8 ва 9-устунларини тўлдиришда ҳам Низом талаблари бузилишига йўл қўйиган.

Вилоят адлия бошқармаси Жиззах вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бошлиғи номига аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритди. Унда тақдимномани вилоят ДСЭНМ бошқармаси иштирокида ўрганиб чиқиб, келгусида бундай қонунбузилишларга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар белгилаш, кўрсатиб ўтилган камчилик ва қонунбузилишларни содир қилинишида айбдор бўлган Ж.Расуловни Меҳнат кодексининг 181-моддасида кўзда тутилган интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш сўралганди.

Тақдимнома юзасидан адлия бошқармасига вилоят санитария-эпидемиология назорати марказидан жавоб хати келди. Унга шу йилнинг 22 февралида чиқарилган 32/1 рақамли буйруғи ҳам илова қилинган. Буйруқда ёзилишича, **“Хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида”**ги Низом талабларини жиддий равишда бузилишига йўл қўйгани учун Жиззах шаҳар ДСЭНМ санитария врачи Ж.Расуловга “ҳайфсан” берилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бўлиб ўтган бу ҳолни элга овоза қилиб, кимнингдир обрўсига соя солиш фикридан мутлақо йироқмиз. Мақсадимиз шуки, ҳар қандай текширувчи хўжалик юритувчи субъектга боришдан аввал **“Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”**ни тўлдириш тартибларини билсин. Қолаверса, Низом талабларига амал қилмаслик интизомий жазога сабаб бўлишини ҳис қилсин.

**Ҳасан ИБРОҲИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Taassuf

# НОЖЎЯ ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

***“Тошкент–Бухоро” йўналишида ҳаракатланаётган “Мерседес-бенц” русумли 20 к 3569 давлат рақамли автобус 19 феврал куни божхона назорати ходимлари томонидан тўхтатилиб, текшириб кўрилганда унда хорижда ишлаб чиқарилган 1309,6 метр газлама борлиги маълум бўлди. Умумий нархи 1047680 сўмлик газламани Ғиждувон шаҳрида яшовчи фуқаро Шербек Ашуров қонунга зид равишда олиб кетаётган экан.***

Ургут туманидаги Тегана қишлоғида яшовчи фуқаро Бахтиёр Бобоев ҳам 22 феврал куни Гулистон шаҳридаги бозордан 311376 сўмлик газламани ноқонуний олиб кетаётганда тўхтатиб қолинди. У хорижда ишлаб чиқарилган газламага ҳеч қандай ҳужжат тақдим этолмади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ноқонуний газламалар давлат фойдасига мусодара этилиб, уларнинг эгаларига жарима ҳам солинди. Айрим фуқаролар эса четдан ноқонуний равишда маҳсулотлар олиб келиб, мўмай даромад орттиришга уринишмоқда. Шу йилнинг 24 феврал куни Гулистон шаҳар ДСИ ва божхона ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбир натижасида фуқаро Шарофат Тошбоевага тегишли дўконда хорижда ишлаб чиқарилган, акциз маркаси бўлмаган, яъни ноқонуний йўллар билан келтирилган 110900 сўмлик тамаки маҳсулотлари сотилаётгани аниқланди. Дўкон сотувчиси уларни нотаниш кишидан сотиб олганини билдирди. Бироқ бу баҳона қонуний чора кўришга тўсиқ бўлолмади.

Оқ-олтин туманининг Сардоба қўрғонида яшовчи фуқаро Зулихор Тенибеков «ВАЗ-2106» русумли «12 с 2291» давлат рақамли автомашинасида нархи 122430 сўмлик рангли метал чиқиндиларини қўшни мамлакатга олиб ўтишга уринганида чегарада тўхтатиб қолинди. Назорат ўрнатилмаган айланма йўллар орқали четга чиқиб кетишни мўлжаллаган ҳайдовчининг айтишига қараганда, металл чиқиндиси нотаниш аёлга тегишли бўлиб, у фақат чегарадан ўтказиб бериши лозим экан. Яъни у бу ишнинг ноқонуний эканини билмаган эмиш...

Умуман айтганда, феврал ойида Сирдарё вилояти бўйича 7 та ҳолатда 400,3 минг сўмлик сигарет, 26 та ҳолатда 1629,7 минг сўмлик спирт маҳсулотларининг ноқонуний олиб кирилишининг олди олинди ва ушбу маҳсулотлар давлат фойдасига мусодара қилинди. Бундан ташқари, 26674,1 минг сўмлик товар-моддий бойликлари чегара ҳудудида тўхтатиб қолинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қонунбузарлик ҳеч қачон фойда келтирмайди. Буни юқорида баён этилганлар ҳам яққол тасдиқлайди.

**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Saboq

# МУЛЗАМЛИК

***Ўттиз гектар ер. Бу битта фермерга озми-кўп? Агар бажариб ишласа, тадбиркорнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой бўлади. Жамиятга ҳам нафи тегса тегадики, зарар етказмайди. “Уста Мелибой” фермер хўжалиги Жиззах туман ҳокимининг 2002 йил 23 декабрдаги 1285-сонли қарорига асосан ташкил қилинган. Фермер хўжалиги давлат рўйхатига олингач, унга Ш.Рашидов номидаги агрохизмат марказининг 160-контуридан 30 гектар ер майдони ажратиб берилган. Майдоннинг 20 гектари сувли, 10 гектари лалми ер эди. Фермер “менинг далам”, “менинг ерим” деб, яхши ният билан астойдил ишга киришди. Лекин ишнинг биров билан битгани қийин экан. Агар улар панд беришса, яхши ниятларинг саробга айланиши ҳам мумкин.***

Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалик экини сув билан ривож топади. Сув бўлмаса, экинни парвариш қилишнинг имкони йўқ. Фермер хўжалиги экин майдонларини сув билан таъминлашни Ш.Рашидов номидаги агрохизмат маркази ўз зиммасига олади. 2003 йил январида агрохизмат маркази ҳамда “Уста Мелибой” фермер хўжалиги ўртасида сув таъминоти ва ундан фойдаланиш бўйича шартнома имзоланади. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси шартномага асосланиб агрохизмат марказининг фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик экинларини 2003 йил вегетация даврида сув билан таъминланишини сувдан фойдаланиш режасига киритади. Томонлар ўртасида тузилган режага кўра агрохизмат маркази фермер хўжалигининг 20 гектарлик пахта майдони, 5 гектарлик маккажўхориси ҳамда 5 гектар бошқа турдаги экинлари учун 2003 йилнинг 11 майидан 10 сентябрига қадар сув билан таъминлаб туриши лозим эди.



Бироқ агрохизмат маркази лафзсизлик қилгани боис “Уста Мелибой” фермер хўжалиги қийин вазиятга тушиб қолди. Агрохизмат маркази сувдан фойдаланиш режасида кўрсатиб ўтилган сувни фермер хўжалигига етказиб бермади.

Фермер хўжалиги раҳбари Шодимурод Нормуродов сувсизликдан қуриб бораётган экинларига ачишиб, қараб агрохизмат марказига кўп бор мурожаат этган. Бироқ натижа чиқмаган. Сувсизлик оқибатида фермер хўжалигининг пахта, маккажўхори ва бошқа экинлари қуриб битган.

Фермер хўжалиги томонидан 20 гектар майдонга чигит экиш ва уни парваришлашга 4 миллион 352 минг сўм, маккажўхори экишга эса 720 минг 500 сўм харажат қилинган. Ўсимлик вақтида сув билан таъминланмагани сабабли фермер хўжалиги пахта хомашёсини сотиш имкониятидан маҳрум бўлиб, 4 миллион 408 минг сўм фойдани бой берган.

Фуқаролик кодексининг 985-моддасида ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши кераклиги кўрсатилган. Бундан ташқари, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.5-бандида ҳам таъминловчи истеъмолчига белгиланган миқдордаги сувни етказиб бермаган ҳолларда унга нисбатан амалдаги қонунлар асосида моддий ва иқтисодий санкциялар қўлланиши назарда тутилган.

Шуларга асосан Жиззах вилояти адлия бошқармаси “Уста Мелибой” фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритди. Вилоят хўжалик суди агрохизмат марказидан фермер хўжалиги фойдасига 9 миллион 480 минг 500 сўм зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Шу тариқа агрохизмат маркази мутасаддилари мулзам бўлиб қолишди.

Фермер хўжалиги шартнома шартини бажармаган агрохизмат марказидан ўзига етказилган зарарни-ку суд тартибида ундириб олди. Лекин тадбиркор Ш.Нормуродовнинг чеккан заҳматларини ўрнини қоплаш қийин. Борди-ю сув таъминотини зиммасига олганлар лафзсизлик қилмаганларида сарсонгарчилик ва ташвишларга ҳожат қолмасмиди?

**Собиржон ЭРГАШЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# ТРАФФИК ЖИНОЯТИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Англияда 10 фоиздан 30 фоизгача аёллар болалик ва ўсмирлик пайтида жинсий зўравонлик жабрини тортишганини, кўплаб ҳолатларда улар жиноятчиларнинг юз тузилишини ҳам аниқ кўришмаганини билдиришган. Россияда эса бу рақам 7-8 мингни ташкил этади. Айнан шунга ўхшаш мақсадларда фойдаланиш учун Украинадан бир неча гуруҳга бўлинган ҳолда етим болалар океан ортидаги давлатларга юборилган ("Труд" газетасининг 26 март 2003 йил, 15 июл 2003 йил сонларида бу ҳақда батафсил маълумот берилган).

Охирги икки йил давомида АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан бошқа давлатлар, жумладан, собиқ иттифоқ мамлакатларидан мажбурий тарзда олиб келинган 2000 нафар кишилар борлиги аниқланган.

Шу ўринда мамлакатимиз Жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутган меъёр борми, деган савол туғилиши табиий. Жиноят кодексининг махсус қисмида бирон-бир меъёр ёки моддада «одам савдоси» деган аниқ ибора бўлмаса-да, аммо шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар акс эттирилган бобда "одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш" деган меъёр мавжуд (ЖК 135-м). Ушбу меъёрнинг Жиноят кодексида акс этиши нуқтаи назардан қараганда, шахснинг озодлиги билан боғлиқ шаъни ва қадр-қиммати жиноят объекти ҳисобланади. Ушбу модда уч қисмдан иборат бўлиб, унга биноан **"шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш" (1 қисм); "ўша ҳаракат: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этган бўлса" (2 қисм); яна "ўша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этиш каби айбни ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар"** (3 қисм) аксини топган.

Ушбу меъёр диспозициясидаги "бошқа мақсадларда фойдаланиш учун" деган тушунча жуда кенг маънони англатиб, унга айнан одам савдоси билан шуғулланишни ҳам киритиш мумкин. Зеро, субъек томонидан ушбу жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади ғараз, яъни моддий фойда ёки даромад кўришни кўзда тутади. Чунки шаҳвоний ёки бошқа мақсадда фойдаланиш учун одамни жалб этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий қимматликларга эга бўлишдир. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Жиноят кодексида одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жинояти объектив томондан фақат алдаш усули билан амалга оширилиши кўрсатилган, холос. Алдаш деганда иш топиб бериш (раққоса, ошпаз, тикувчи, хизматкор ва ҳакозолар) назарда тутилади. Алдашнинг яна бир кўриниши чет элда никоҳдан ўтиш учун танишиш баҳонасида бир давлатдан бошқа давлатга олиб бориб сотиш ҳоллари ҳам учрайди. Умуман, бу жиноят алдаш орқали ёлланиш амалга оширилган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Ёлланган шахс шаҳвоний ва бошқа бирон-бир ишни бажариши шарт эмас. Бундай қилмишнинг ўта хавфли жиҳати шундаки, жиноятчилар инсон ҳуқуқларини таҳқирлаш орқали умумий қасдлари билан қамраб олинган ягона мақсадларига йўналтирилган Жиноят кодексининг 135-моддасида акс эттирилган жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишларни узоқ вақт давомида амалга ошириш имконига эга бўлади. Масалан, жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг ҳукми билан фуқаро Р.Ҳ. Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми ва бошқа моддаларда кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилиб, қонуний жазоланган. У жиноий шериги А.И. билан (ҳозирда қидирувда) тил бириктириб, бир гуруҳ қизларни "кўп миқдорда маош тўланадиган жойда официант бўлиб ишлайсизлар" деб алдаб, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига олиб чиқиб кетган. Улар қизларнинг мамлакатимиздан чиқиш рухсатномаларини (визалари) ва йўл харажатларини ҳам ўзлари тўлайди. Чунки жиноятчилар бу қизлардан тубан ниятда фойдаланиб, бойлик орттиришни кўзлаган. Дубай аэропортида улар қизларнинг паспортларини расмийлаштириш баҳонасида олиб қўйиб, "сизларнинг келишларинг учун 2500 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаганмиз, энди буюрган ишимизни қилишга мажбурсизлар", деб "Арифа" исмли аёлга пул эвазига сотишган. Бу аёл уларни учинчи бир аёлга сотади. Алданганидан хабар топган қизлар тубан иш билан шуғулланишдан бош тортганларида бир неча кун овқат бермасдан қамаб қўйиб, уриб-дўппослаб қийноққа солинган. Бу тубан "хизмат"дан тушган катта миқдордаги пулларни қўшмачи аёллар олган. Бир сўз билан айтганда, қизларнинг инсоний қадри аёвсиз топталган, таҳқирланган. Ниҳоят, қизлардан биттаси қийинчилик билан мамлакатимизга қайтишга мувофиқ бўлди.

Суд амалиётидаги бундай мисоллар Жиноят кодексининг 135-моддасини такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Чунки Жиноят кодексининг 135-моддасининг 1-қисми мазмунида ушбу жиноят объектив томондан фақат алдаш усули билан содир этилиши кўзда тутилган. Ваҳоланки, бу жиноят объектив томонидан куч ишлатиш, яъни жисмоний жиҳатдан уриш-дўппослаш, қийнаш, овқат бермасдан қамаб қўйиш, баъзан турли даражадаги тан жароҳати етказиш йўли билан; куч ишлатиш таҳдиди билан қўрқитиб, яъни жинсий қулликка ёки фоҳишалик билан шуғулланишга рози бўлмаган инсонни (вояга етмаганни) ўлдириш билан қўрқитиш, чет элда яшаш учун рўйхати бўлмаган, кириш-чиқиши норасмий бўлганлар ўша давлатнинг хавфсизлик идоралари ёки полициясига ушлаб бериш орқали бу давлатда яшаш, яшаш қоидаларини бузгани учун маълум бир муддатгача қамоқда сақланиши ёхуд йиллаб озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташга мажбур бўлиши ёинки жуда кўп миқдорда жарима тўлашга мажбур қилиш (ҳақиқатан ҳам, кўпчилик давлатларда, жумладан, ислом давлатларида ноқонуний кириш учун зиндонда сақлаш ва қамоқ билан боғлиқ жазолар мавжуд); товламачилик, яъни унинг яқин қариндош-уруғларини, фарзандларини эл-юрт олдида шарманда қилиш, уларнинг шаън, қадр-қимматини камситувчи, обрўсизлантирувчи турли уйдирмаларни тарқатиш мумкинлигини айтиб қўрқитиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, ўз ватанидан ўзга юртларга алдаш йўли билан олиб чиқиб кетилган жинси ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг таҳқирланиши (эксплуатация), ҳуқуқларининг чекланиши оқибатида улар ҳар қандай "юмуш"ни бажаришга мажбур бўлади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Жиноят кодексининг 135-моддасини янги таҳрирда қабул қилишда одамни қулга айлантириш ёки қуллик деган сўзни ишлатилишига мутлақо қаршимиз.

**Taklif va mulohaza**

Чунки мамлакатимиздаги ижтимоий тараққиёт, жамият ҳаётидаги бугунги ўзгаришлар, инсонларнинг ўзаро муносабатидаги муомала, минталитетимизнинг ўзига хослиги, айниқса, ўзаро меҳр-мурувватли бўлишга интилиш, меҳр-оқибат, ўзаро кўмаклашувлар бирон-бир инсоннинг бошқалар томонидан камситилиши ҳамда қулликка маҳкум этишга асос йўқлигини билдиради. Ушбу мақолада баён қилинган жиноят содир этган айрим кимсаларни қилмишини фош этиш ва қилмишига яраша жазолаш учун мазкур моддани қуйидаги мазмунда янги таҳрирда баён этишни таклиф қиламиз: «135-модда. Одамларни таҳқирлаш (эксплуатация) учун жалб қилиш.

Куч ишлатиш ёки куч ишлатиш таҳдиди билан қўрқитиб, товламачилик ёхуд алдаш йўли билан шаҳвоний ва бошқа ғараз мақсадларда киши ёки одамларни жалб этиш..."

Ушбу модданинг бундай ифодаланишига сабаб шуки, бу амалдаги меъёрда "ёллаш" сўзи юридик жиҳатидан ўз мазмунига тўлиқ тўғри келмайди. Чунки Жиноят кодексининг махсус қисмидаги тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлардан бири ёлланиш деб номланган (154-модда). Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган "Ёлланма одамларни жалб қилиш, фойдаланиш, уларни молиялаш ва таълим беришга қарши кураш тўғрисида"ги (1989 йилнинг 4 декабрида қабул қилинган) халқаро Конвенция асосида 2003 йил 30 августдаги Қонун билан бу меъёрга янги иккинчи қисм қўшилди. Ушбу халқаро ҳужжатда баён қилинган "ёлланма одам" тушунчаси Жиноят кодексининг 154-моддаси диспозициясига сингдирилган. Бундан ташқари "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ёллаш деганда муайян ишни бажаришга қабул қилиш ёки пул бериб ишлатиш тушунилиши қайд этилган. Бу жиноятни содир этишда жиноятчи бирор-бир одамни маълум бир шарт ёки ҳақ эвазига ишлатмасдан унинг барча ҳуқуқларидан маҳрум қилиб унинг озодлиги, жинсий эркинлиги, соғлиғи, ҳаттоки ҳаётини хавф остига қолдиради. Бу эса "ёллаш" сўзини ушбу жиноят тушунчасини ифодалашда қўллашга асос йўқлигидан дарак беради. Яна бу модда диспозициясини "ғаразли мақсад учун" деган сўзларни қўшиб ўзгартиришнинг сабаби шундаки, ушбу жиноятни содир этиш замирида ғараз, яъни моддий манфаатдорлик, жиноий йўл билан даромад орттириш мақсади ётади.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш ва уни халқаро андозаларга мослаштиришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Чунки бу борада халқаро ҳамкорликнинг ўрни беқиёсдир.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

**Tahlil va saboq**

***Яқинда таниш дўстларимдан бири қўнғироқ қилиб, маҳалласида яшайдиган қарияларни ўз ҳисобидан Бухоро шаҳрига зиёратга олиб боришни режалаштираётганини айтиб қолди. Рости гап, унинг савоб ишга қўл урганини эшитиб хурсанд бўлдим. Бу фикримни унинг ўзига ҳам айтдим. Мана шундай яхши ниятлар ҳамиша ҳамроҳ бўлишини ният қилдим. Кўнглимдан "савобга шериклик ҳам савоб", деган ўй ўтди. Ана шу ўй сабаб "биздан нима ёрдам?" деган савол тилимга кўчди.***

# САВОБ
## УНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

— Айтиш ноқулай бўлиб турган эди, — деб гап бошлади танишим. — Ўзингиз сўрадингиз, энди айтаман. Сиз матбуотнинг ичида юрган одамсиз. Агар иложи бўлса, мана шу сафаримизга бирор-бир журналист ҳамроҳ бўлса, яхши бўларди. Агар телевидение ҳамроҳлик қилса, зўр бўларди. Харажатларини ўзим кўтараман. Фақат кўрсатув қилиб, номимизни элга танитишса бўлди. Рози қиламан...

— Кўрсатув сафар ҳақида бўладими? — деб сўрадим беихтиёр.

— Ҳа, йўқ. Шу... ўзим... қилаётган ишларим ҳақида қилишса, ёмон бўлмасди... Ҳарқалай, дўст-душман бор...

Суҳбатимиз аввалида унга нисбатан кўнглимда пайдо бўлган ҳурмат бирдан йўқолди. Савоб ҳақида эшитиб, яхши ниятга шерик бўлаяпман, деган ўйда тўлиб турган кўнглим ҳувиллаб қолди. Тўғриси, ҳалиги танишимга нима деб жавоб беришни билмай телефон гўшагини индамай қўйиб қўя қолдим.

Шунинг баробарида ота-боболаримизнинг «ўнг қўлинг қилган яхшиликни, чап қўлинг билмасин», деган доно ўгитларининг мазмуни нақадар теранлигини ана шу лаҳзада янада чуқурроқ ҳис қилдим. Юз ёшдан ошган момомнинг савоб ва гуноҳ ҳақидаги содда, аммо теран сўзлари қулоқларим остида қайта-қайта жаранглагандек бўлди:

— Болам, миннатли савоб — гуноҳдан ёмон...

— Миннатли савоб дегани нима ўзи?

— Миннатли савоб дегани, аввал бировга яхшилик қилиб, кейин ана шу яхшиликни юзга солиш. Мен савоб қилдим, деб миннат қилиш. Миннатнинг юки гуноҳнинг юкидан ҳам оғир бўлади.

Тўғриси, ўша ўспиринлик йилларимда савоб билан гуноҳ, яхшилик билан миннатнинг фарқига кўп ҳам бормагандирман. Лекин ёшим улғайиб, яхши-ёмон кунларни кўриб, бирда яхшилигу, бирда миннатлар билан дуч келавериб, кўзим очилди. Энди аниқ биламанки, маҳалла қарияларини Бухоро зиёратига олиб боришни кўнглига туккан танишимнинг нияти холис эмас. У қарияларнинг дуосини олиб, савоб иш қилиш учун эмас, балки ўзининг кимлигини ўзгаларга кўз-кўз қилиш учун бу ишга қўл ураяпти... Ҳали савоб ишни қилмасдан, миннатга йўл очаяпти. Демак, унинг қилаётган иши, шубҳасиз, миннатли савобдир.

Агар бунга ўхшаш воқеа битта бўлганида эди, балки ушбу мақолани ёзиб ўтирмаган бўлардик.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

**Anjuman**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Президент ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, инсон ҳуқуқлари миллий маркази мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказаётган илмий-амалий анжуманларда жамиятда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари муҳокама этилмоқда. Ушбу ҳамкорликнинг яна бир самараси бўлмиш навбатдаги анжуман Урганч шаҳрида ўтказилди.

"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш" деб аталган мазкур анжуманда инсон ҳуқуқларига оид масалалар муҳокама этилди. Унда тўғри таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон манфаатларини демократик тарзда муҳофаза этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Шунингдек, доимий равишда ушбу масала давлат эътиборида турибди. Президент ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича махсус кенгаш иш бошлагани ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) раиси Сайёра Рашидова Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Шакаржон Хўжаниёзовалар мавзу билан боғлиқ муаммо ва ютуқлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида мулоҳаза юритишди.

Анжуманда маҳаллий ҳокимият, адлия, суд, прокуратура, ички ишлар тизими идоралари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, жамғармалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва ахлоқ тузатиш муассасалари вакиллари иштирок этишди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Muloqot**

# ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

**САВОЛ:** ***Менинг 13, 11, 6 ёшли 3 нафар фарзандим бор. Эрим билан ажрашганимизга анча бўлди. Илгарилари собиқ эрим ишлаётган корхонадан узоғи билан уч ой кечиккан ҳолда алимент пулини олардим (суд томонидан алимент эрим оладиган маошнинг 50 фоизи миқдорида белгиланган). Бироқ ўтган йилнинг август ойидан буён бир сўм ҳам ололмаяпман. Эрим ишлаётган корхонага бораверib чарчадим. Ҳурматли таҳририят, улар билан қандай муомала қилишим керак?***

**Раънохон ТОШБОЕВА,**
**Андижон шаҳри**

**ЖАВОБ:** Оила кодексининг 137-моддасига кўра, эрингиз ишлаётган корхона бухгалтерияси алимент пулини ҳар ойда эрингизга ҳақи тўланган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай тўлаши шарт. Агар корхонада иқтисодий муаммолар юзага келган бўлса, бу муддат озгина чўзилиши мумкин. Агар бунда эрингиз айбдор бўлса, Фуқаролик кодексининг 261-моддаси ва Оила кодексининг 142-моддасига мувофиқ эрингиз сизга кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент маблағининг ўндан бир фоизи миқдорида устама тўлайди. Бу борада фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

**САВОЛ:** ***Укам ўғрилик жинояти билан судланиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. У жазони ўтаб чиққандан сўнг бир йил ўтгач, ишга кириш учун бир ташкилотга ариза берганда у ердагилар судланганларни ишга олишмаслигини айтишибди. Унинг судланганлиги ҳолатини олиб ташлаш қандай тартибда амалга оширилади? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.***

**Қурбон НУСРАТОВ,**
**Пахтачи тумани**

**ЖАВОБ:** Жиноят-процессуал кодексининг 544-моддасига мувофиқ судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масала судья томонидан жазони ўтаб бўлган шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили ёхуд жамоат бирлашмаси ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идорасининг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади.

Агар укангиз жазо ўтаб бўлганидан сўнг хавфли ҳаракат содир этмаган ва унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, укангиз ёки ўзаро келишган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси (маҳалла) берган илтимосномага кўра, суд Жиноят кодексининг 78-моддаси "д" бандида назарда тутилган муддат (беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач)нинг камида ярми ўтгандан сўнг унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

**Адҳам ОДИНАЕВ тайёрлади.**



*Гулга бурканган маҳалла*

**Jinoyatga jazo muqarrar**

# ҚОРА ГУРУҲ ҚИЛМИШИ

**СУД ОЧЕРКИ**

### I. ЎЛЖА ИЗЛАГАН ШАРПАЛАР

Ўтган йили қишда Пастдарғом туманининг "Машъал" ширкат хўжалигида яшовчи Туроб Дарвишев ва Матлуба Жабҳароваларнинг ҳовлисида боғланиб турган қорамолларини кимдир ўғирлаб кетди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларида ҳар икки жиноятда ўхшашлик аломатлари бор, уларни бир киши содир қилган бўлиши мумкин, деган тахмин туғилди. Чунки ҳар икки ҳолатда ўғирлик усули бир хил эди.

Орадан кўп вақт ўтмай "Гўзалкент" ширкат хўжалигининг Қора қишлоғида яшовчи фуқаро Мухтор Тиркашевнинг ҳам ғунажинини тунда ўғирлаб кетишди. Ўғирланган молни бир эркак етаклаган, бир аёл эса орқасидан ҳайдаган кўйи Жума шаҳар мол бозорига олиб келган. Улар тун қоронғусида худди эр-хотиндек ўғирлик молни биргаликда 150 минг сўмга нотаниш харидорга сотиб юборишган.

Хўш, улар ким эди? Ўғирлик йўлига кирган аёл ҳақида кейинроқ батафсил тўхталамиз. Ҳозир эса унинг жиноий шериги, Пастдарғом тумани қишлоқларида одамлар айни дам олаётган паллада худди оч бўридек ўлжа излаб изғиган шарпа хусусида тўхталамиз.

### II. ХАЙРУЛЛА ВА УНИНГ ГУМАШТАЛАРИ

Хайрулла Ражабов 1975 йилда Пастдарғом туманининг Қора қишлоғида туғилган. Маълумоти ўрта, уйланмаган. Муқаддам судланган. Жазони ўташ даврида Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармонига асосан жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинган.

Юқорида қайд этилган жиноятларни содир этган Х.Ражабов кунларнинг бирида ўзининг эски таниши, туманнинг Катта Найманча қишлоғида яшовчи — муқаддам икки марта судланган, хавфли рецедивист Суярқул Омонов билан учрашиб қолади. Икки ҳамтовоқ тезда тил топишади ва жиноий гуруҳ тузишга киришади. Суярқул жиноий гуруҳга биринчи бўлиб Темирхўжа қишлоғида яшовчи жияни Ислом Равшановни қўшади. Исломни гуруҳга қўшиб олиш қийин кечмайди. Чунки у шу қишлоқда яшовчи опаси Сарвар Туймаевадан бир пайтлар 100 минг сўм қарз олганди. Аммо ҳали-бери қарзни қайтаришга кўзи етмасди. Опаси эса қизини турмушга узатмоқчи эканини айтиб, пулни қистаб турганди.

Қисқаси, мазкур жиноий гуруҳ ўртасида вазифалар тақсимланади. Хайрулла билан Суярқул молларни ўғирлаш, Исломнинг вазифаси эса автоулов топиш, ўғирлик молларни узоқ-узоқларга ошириб юборишга кўмаклашишдан иборат эди.

Ислом икки-уч кун Жума шаҳрига қатнаб, юк автомашиналари турадиган жойдан жиноий шерик излайди. Бироқ у ҳайдовчиларга аниқ мақсадини айтмай, "Қозоғистонга рангли металл олиб бориш керак" дейди. Унинг таклифини ҳеч ким қабул қилмайди. Шундан сўнг мақсадига етолмаган Ислом Равшанов Самарқанд шаҳрига йўл олади. Мирзо Улуғбек автобекатида Тойлоқ туманининг Сачоқпиён қишлоғида яшайдиган Шуҳрат Исоқов билан тил топишади. Шуҳрат пул учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигини айтади. Лекин укаси Шавкат билан ўғирлик молларини ташиш ва топилган бойликка тенг шерикчилик қилишга унинг розилигини олиш лозимлигини гап орасида қистириб ўтади. Шавкат Исоқов ҳам бу таклифга ҳеч иккиланмай рози бўлади.

Жиноий гуруҳ автоуловли бўлган биринчи куннинг ўзидаёқ ишга киришади. Ярим тунда Хайрулла билан Суярқул фуқаро Нўъмон Маҳкамовга тегишли бозор баҳоси 650 минг сўмлик икки бош қорамолни ўғирлаб, Темирхўжа қишлоғи яқинидаги бетон заводи олдига олиб келиб қўяди. Ислом Равшанов, ака-ука Исоқовлар ўша ерга 2522-сонли автожамланмага қарашли Шуҳратнинг бошқарувидаги "КамАЗ" русумли автоуловни олиб бориб, ўғирлик молларини ортишади. Ўғирлик мол ортилган автоулов ярим тунда Тойлоқ мол бозорига кириб боради. Авваладан келишиб олинганидек, ўғирланган молларни бозорда Ислом билан Шавкат сотади. Сўнг Шуҳрат Исоқовнинг уйига бориб, пулларни бўлиб олишади.

Хавфли рецедивистлар Хайрулла Ражабов, Суярқул Омонов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳ жиноятни шу зайлда давом эттириб, туманнинг Қурилиш қишлоғидаги Адибек Сайдалиевнинг 1 миллион 80 минг сўмлик беш бош қорамолини ўғирлаб, сотиб юборади. Кейин Беклар қишлоғида яшовчи Ойбек Алиевга 750 минг сўмлик, "Самарқанд" ижара хўжалигида яшовчи Шодиёр Тошбоевга 1 миллион 50 минг сўмлик моддий зарар етказади.

Жиноий гуруҳнинг фаолияти доираси кундан кунга кенгайиб борарди. Ана шундай кунларнинг бирида улар ўғирланган молларни вақтинча сақлаб туриш учун хилват жой излаш пайига тушиб қолишди. Бундай бехавотир жой ҳам дарров топила қолди. Исломнинг опаси Сарвар Тўймаеванинг ҳовлиси қишлоқнинг четида жойлашган, бунинг устига ўғирланган молларни чиқариб кетиш учун катта йўлга яқин. Суярқул билан Ислом тоға-жиян бўлгач, Сарвар ҳам уларга бегона эмас. Уюшган жиноий гуруҳ С.Туймаевага "Қизингизни тўйини ўзимиз ўтказиб берамиз, сиз ўғирлаб келинган мол-ҳолга ва ўзимизга уйингиздан жой берсангиз бўлди", дея уни кўндиришади. Сарвар ҳовли тўридаги уч хонали уйининг икки хонасини уларга бўшатиб беради. Хайрулла билан Суярқул ижара уйга танда қўяди.

Пастдарғом туманининг чекка-чекка қишлоқларида тез-тез мол ўғирланавергач, ички ишлар идораси ходимлари билан бирга фуқаролар ҳам сергак тортиб қолди. Шундай кунларнинг бирида "Хончарбоғ" ширкат хўжалиги ҳудудида одамлар уюшган гуруҳ бегона "КамАЗ" машинасини тўхтатишади. Бемаҳалда нима иш билан юрганини сўраб, автоуловнинг давлат рақамини ёзиб олишади. Шуҳрат Исоқов Қарши йўлига чиқмоқчи эканини айтиб, одамларни чалғитишга ҳаракат қилади. Кейинчалик эса жиноий гуруҳ бу томонларга қайта келмай қўяди. Лекин Хайрулла Ражабов, Суярқул Омонов, Ислом Равшановлар ниятидан қайтишмайди.

Улар бу гал фуқаро Ҳайит Қўлдошевнинг "Гўзалкент" ширкат хўжалиги 5-бригадаси даласида жойлашган қўрасидан 11 бош қўйни ўғирлашади. Қўйларнинг иккитасини сўйишади, қолганини Қашқадарё вилоятига олиб бориб 490 минг сўмга сотиб юборишади.

### III. ИХТИЛОФ ВА ЯНГИ ШЕРИКЛАР

Ўғирлик шу тариқа узлуксиз давом этди. Бироқ икки бош қорамолни Нуробод тумани мол бозорида пуллаб келиб, Сарварнинг уйида Хайрулла билан Суярқул ҳисоб-китоб қилишаётганда ихтилоф чиқди. Гап шундаки, ўғирлик молларни икки кун ҳовлисида сақлаган С.Туймаева улардан "Неча пулга сотдиларинг", деб сўрайди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

# ДИПЛОМАТИК ДАХЛСИЗЛИК

**Jahon tajribasi**

***Дунё мамлакатларининг халқаро миқёсдаги муносабатларида турли давлатлар вакиллигининг умумий тартибга солувчи меъёрларни ифодаловчи дипломатик ҳуқуқ талабларига амал қилинади. Дипломатик ҳуқуқ давлатларнинг ўзаро муносабатлари натижасида шаклланиб, дипломатик муносабатлар бир давлат томонидан иккинчи бир давлатга юбориладиган ташқи алоқалар идоралари вакиллари томонидан амалга оширилади. Ташқи алоқаларнинг бундай идораларига доимий дипломатик ваколатхоналар ва махсус миссиялар киради.***

Улар дунё ҳамжамияти томонидан умумэътироф этилган ҳуқуқлардан фойдаланишади. Ана шундай ҳуқуқлардан бири дипломатик дахлсизликдир. Дипломатик дахлсизлик хорижий давлатларнинг ваккилик идоралари ва ходимларининг фаолияти мобайнида фойдаланишлари зарур бўлган имтиёзли шартлардан бири ҳисобланади. Имтиёзли шартларда бундай ваккиллик идораларининг расмий халқаро-ҳуқуқий мақоми инобатга олинади ва улар мазкур идораларнинг самарали фаолият кўрсатишига ёрдам беради. Дипломатик ваколатхона ва махсус миссияларга берилган имтиёзлар қуйидагилардан иборат:

— **ваколатхона бинолари ва уларда жойлашган буюмлар дахлсизлиги.**

— **архивлар ва ҳужжатлар (ҳар қандай вақтда ва уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар) дахлсизлиги.**

Дипломатик агентлар, яъни ваколатхона бошлиғи, ходимлар, юборувчи давлат махсус миссия вакиллари ва уларнинг дипломатик ходимлари фойдаланадиган имтиёзлар сирасига қуйидагилар киради:

1) ваколатхона шахсининг дахлсизлиги.

Ушбу қоида дипломатлар дахлсизлигини кафолатлайди. Жумладан, улар ҳибсга олинишлари ёки бошқа бирор шаклда таъқиб этилиши мумкин эмас. Шу сабабли ваколатхона жойлашган давлат ваколатхона ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи ва уларнинг шахсига, эркинлиги ва қадр-қимматига бирон-бир тарздаги хавфнинг олдини олиш учун керакли чоралар кўриши лозим.

2) турар-жой дахлсизлиги.

Ушбу қоидага мувофиқ дипломатик ваколатхона қароргоҳи дахлсиз бўлиб, ҳимоя ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланади. Бундан ташқари, ваколатхона жойлашган давлатнинг жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияси иммунитетига киради.

Халқаро ҳуқуққа мувофиқ ваколатхона ва махсус миссиялар ходимлари бошқа имтиёзлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. 1961 йилда қабул қилинган "Дипломатик алоқалар тўғрисидаги" Вена конвенцияси ва 1969 йилда қабул қилинган "Махсус миссиялар тўғрисида"ги Конвенцияга мувофиқ дипломатик ваколатхоналарга қуйидаги имтиёзлар берилган:

— ваколатхонада алоқа воситалари эркинлиги;

— хорижий давлат ваккилик идораси, у эгаллаб турган биноларга нисбатан алоҳида кўрсатилган хизмат тўловларидан ташқари барча давлат ва маҳаллий (муниципал) солиқ, йиғим ва божлардан озод этилади:

— ваккилик томонидан фойдаланиш учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, солиқлар ва йиғимлари тўламасдан олиб кириш (баъзи истиснолардан ташқари)

— ваколатхона ва унинг бошлиғи юборувчи давлат байроғи ҳамда гербини ваколатхона қароргоҳига ёки у фойдаланадиган транспорт воситаларига осиб қўйиш ҳуқуқи берилади.

Умумэътироф этилган қоидаларга асосан дипломатик агентлар, юборувчи давлат махсус миссия ваккиллари ва унинг ходимлари ҳам бир қатор имтиёзлардан фойдаланишади. Хусусан, улар миссия жойлашган давлат ҳудуди бўйлаб (белгиланган истиснолар билан) эркин ҳаракат қилади. Шунингдек, улар барча давлат ва маҳаллий (муниципал) солиқ, йиғим ва божлар, меҳнат ва давлат мажбуриятларидан озод этилади, агар уларнинг шахсий юкларида миссия жойлашган давлат ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш таъқиқланган нарсалар борлигини тасдиқловчи жиддий асослар мавжуд бўлмаса, бундай ҳолларда уларни текширишга йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, дипломатик дахлсизлик ҳуқуқи халқаро қонунчиликнинг муҳим шартларидан биридир. У хорижий мамлакатларда масъул вазифаларни амалга ошираётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоялаш ҳамда кафолатлашга хизмат қилади.

**Мухлиса ПАТТАЕВА**

Tahlil va saboq

# САВОБ

## УНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Яшириб нима қилдик, кейинги пайтларда болалар боғчасига, меҳрибонлик ёки қариялар уйига арзимас совға-салом қилиб, "Мен мурувват кўрсатдим, энди сен мени бу ишимни матбуотда ёрит", дейдиган "азамат"лар кўпайиб қолди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак: халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли халқ. Ота-боболаримиз ҳам ҳамиша савобга интилиб, эзгуликка эш бўлиб яшашган. Етимнинг бошини силаш, ғарибнинг кўнглини овлаш, мискинга ёрдам қўлини чўзиш анъаналари минг йиллик тарихга эга. Айтмоқчиманки, савоб ҳам бошқа қадриятларимиз сингари жуда қадим-қадимларга бориб тақалади.

Қадим-қадимдан ҳам ўзбек бойиса уй қурган, бола-чақасидан орттирса, йўл қурган, сардоба-ю кўприклар тиклаб, элнинг дуосини олишга ҳаракат қилган.

Мана бир мисол. Агар йўлингиз тушиб, Бухоро вилоятининг Ромитан туманига ўтиб қолсангиз, тарихий ёдгорликлардан бири сифатида сизга Чориқулбойнинг кўпригини кўрсатишади. Бу кўприкнинг таърифини ҳам, тарихини ҳам ҳар бир ромитанлик билади. Чориқулбой, унинг кўприги ҳақида фахр ва ғурур билан ҳикоя қилади. Ромитаннинг туғди-биттиси бўлган Чориқулбой ушбу кўприкни 1900 йилнинг бошларида ўз маблағи ҳисобидан қурдирган. Узоқ йиллар давомида икки туманни боғлаб турган ушбу кўприк ҳамон савоб тимсоли сифатида қад ростлаб турибди. Ромитанликларнинг ҳикоя қилишича, бойнинг якка-ю ёлғиз фарзанди бўлган. Бой ҳам, унинг авлодлари ҳам шўролар инқилоби даврида қулоқ сифатида бадарға қилиниб, жисмонан маҳв этилган. Лекин унинг савобли иши ҳамон авлодларга Ромитанда Чориқулбойдек бағрикенг, савобталаб инсон яшаб ўтганидан ҳикоя қилиб турибди. Демак, савоб иш бирор мақсадни кўзлаб қилинмайди. Ота-боболаримиз айтганларидек, "яхшилик қилинг, дарёга солинг. Балиқ билади, балиқ билмаса, Холиқ билади". Ўзимиз қилаётган арзимас савобни кўз-кўз қилишдан аввал, бу пурмаъно сўзларни мағзини чақиб кўришимиз керак, шекилли.

Бугун ҳам орамизда ота-боболаримиз анъаналарини давом эттириб келаётган, ўз атрофидагиларига беминнат яхшиликлар улашиб яшаётган юзлаб-минглаб юртдошларимиз бор.

Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга узатилаётган "Яхшилик" кўрсатувининг мухлислари кўп. Ана шу кўрсатув муаллифи Норқобил Жалил билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Кўрсатув мавзусидан келиб чиқиб суҳбатимиз ҳам савоб ва яхшилик ҳақида бўлди.

— Тўғриси, бизга ҳам гоҳида ўзларини арзимас яхшиликларини кўрсатувга олиб чиқишимизни сўраб, қўнғироқлар бўлиб туради. Лекин яхшиликни юракдан қилаётган, савоб учун яшаётган, маслаги эзгулик бўлган юртдошларимиз орамизда жуда кўп. Биласизми, катта-катта ишларни қилаётган, эл ичида яхши одам, деб танилган айрим қаҳрамонларимиз ҳақида кўрсатув қилиш жуда қийин кечади. Агар кўзингиз тушган бўлса, Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидан саховатпеша инсон — Мамаюсуф Шодмонов ҳақида кўрсатув тайёрладик. Бу савобталаб одам ҳақида самарқандлик ҳамкасбларимиз гапириб қолишганди. У ўз ҳисобидан қишлоқ ўқувчилари учун замонавий мактаб биноси қурган. Маҳалла гузари, қишлоқ врачлик пунктини барпо этган. Барча-барчаси учун ўз маблағини сарфлаган. Хуллас, кўрсатувимиз учун керакли қаҳрамон. Ишонасизми, йўқми, ана шу инсонни тасвирга ёзишга рози қилиш учун роса овора-ю сарсон бўлдик. Топиб олган гапи битта: "Мен телевизорга чиқиб нима дейман", дейди. "Бу ишларни телевизорга чиқиш, ўзимни элга кўз-кўзлаш, бировга мақтаниш учун қилганим йўқ. Имкониятим бор, маблағим етарли, бола-чақам мўмин-қобил, уйли-жойли. Шундай экан, туғилган тупроғимни обод қилиш учун нега ҳисса қўшмайин?! Бу бир менинг эмас, ҳар бир юртдошимизнинг маслаги бўлса керак, деб ўйлайман".

Кўраяпсизми, унинг содда, самимий ва юракдан чиқаётган иқрори бу. Албатта, журналистлигимизга бориб, уни кўрсатувда қатнашишга кўндирдик. Лекин ўз қишлоғи ободончилиги учун қилаётган ишларини ўндан бирини ҳам гапирмади. Охири мажбур бўлиб, қаҳрамонимиз ҳақида ҳамқишлоқларининг фикрларини олдик. Қани энди орамизда Мамаюсуф акадек саховатпеша, юртпарвар одамлар кўпайса, ҳар биримиз яхшиликни соғиниб, яхшиликка интилиб, бир-биримизга яхшилик қилиб, бир-биримиздан яхшилик кутиб яшасак.

Ҳамкасбимизнинг фикрига биз ҳам қўшилдик. Миннатсиз яхшилик, савоб, саховат ва мурувват ҳар биримизнинг уйимизни ёритгувчи чироқ бўлсин.

**Ислом ҲАМРО,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Tabiat va biz

# ТЎЛИН ОЙ СИРИ

Инсон табиат билан шу қадар сирли тарзда боғланганки, бирида рўй берган ўзгариш, албатта, иккинчисига ҳам таъсир кўрсатади. Қадим-қадимдан инсон табиатга ўз ҳукмини ўтказишга, уни жиловлаб олишга ҳаракат қилиб келди. Бироқ ҳалигача у буни уддалай олган эмас ва бунинг иложи ҳам йўқ. Зеро, зўравонлик инсонга фақат зарар келтиради, холос. Демак, инсон билан табиат қонунлари ўртасида ўзига хос бир мувозанат мавжудки, бу мувозанат бузилган тақдирда инсоният бошига ўзи билмайдиган тарафдан турли бало-офатлар ёғилиши ҳеч гап эмас. Бунга ҳаётда жуда кўп мисоллар учрайди.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, катта океанларда маджазир (ой ҳолатига кўра сувнинг кўтарилиши ва пасайиши) ҳодисаларига сабаб бўлувчи ой тўлиши, вужудининг 80 фоизи сув бўладиган инсонга ҳам таъсир ўтказар экан. Аниқроқ айтганда, шу ҳодиса туфайли одам вужудида суюқлик тенглиги бузилади, миядаги тартибли иш фаолияти оқсайди ва юрак уриши тезлашади. Айниқса, юрак ва қанд касалликларида таҳликали оқибатларга йўл очади. Шунингдек, тўлин ой асаб тизимидаги ҳужайраларнинг ишлаш тартибини ҳам бузади ва натижада мувозанатсизлик ҳолатларини пайдо қилади, вужудидаги электр оқими икки баробарга ортади. Бундан ташқари, тўлин ой аёлларга кўпроқ таъсир кўрсатар экан.

1993 йилнинг августида ой тўлган кунлари Олмонияда одам ўлдириш, ақлдан озиш ва ўзини ўзи ўлдириш ҳодисалари кўпайгани кузатилган. Тадқиқотлар натижасига кўра, тўлин ой фақат шимолий Оврўпа ўлкаларида эмас, ер юзининг ҳамма жойида инсонларга таъсир кўрсатар экан. Психологлар тўлин ой чиққан пайтда инсонда руҳий ўзгаришлар содир бўлишини таъкидлашади. Фаранг олими Репс Клауде Гуиллот ойнинг бу кунларида ақлдан озишнинг ортишини қайд этган ва шу кунлари содир этилган жиноятларни текшириб чиқиб, мавзу билан алоқадор "Тўлин ой телбаликлари" номли китоб ёзган. Тадқиқотчи, жумладан, шундай дейди: "Фақат Францияда эмас, Америқодаги полиция маҳкамаси қайдларидан ҳам тўлин ой кечаларида амалга оширилган жиноятларнинг сонида сезиларли ортиш борлигини кўрса бўлади"

Бундан ташқари, ҳиндистонлик олимлар тажриба учун 1980 ва 1984 йилларни олиб, ўша йиллари тўлин ой чиққан пайтларда жиноятлар сони кескин ортганини аниқлашди. Тадқиқот натижалари нуфузли "British Medical Journal"да эълон қилинди. Хусусан, профессор С.Тхакурнинг фикрича, тўлин ой кунларида ўз жонига қасд қилиш ва бошқа жиноятларнинг ортишига инсон вужудидаги кетма-кет тўлқинлар сабаб бўлар экан. Тўлин ой чоғида Дунё, Ой ва Қуёш айни бир чизиқ устида кесишгани боис ойнинг тортиш кучида ўзгариш рўй бериб, инсон вужудидаги сув миқдори 60 фоизга ошади. Бу туфайли танада пайдо бўладиган жисмоний ва руҳий ўзгаришлар инсонда жиноят қилиш майлини қўзғайди. Тадқиқотчилар беш йил ичида уч полиция маҳкамасида тўпланган маълумотларни компьютерга жойлаб, ана шундай хулосага келишди.

Бундан 14 аср муқаддам Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тўлин ой кунлари хусусида ўз муносабатларини билдирганлар. Маълумки, ойнинг ўртасидаги бу уч кун тўлин ой кунларидир. Пайғамбаримиз (С.А.В) Рамазон рўзасидан ташқари, бу кунларда ҳам рўза тутишни тавсия этган.

Бошқа ҳадис китобларида ҳам бу мавзуга алоқадор бир неча ҳадисларни учратамиз. Масалан, Термизий ва Насоий Абу Заррдан (р.а) шу ҳадисни ривоят қиладилар: "Эй Абу Зарр, ҳар ой уч кун рўза тутадиган бўлсанг, (ойнинг) 13-14 ва 15 кунлари тут". Кўриниб турганидек, Пайғамбаримиз (с.а.в) тўлин ойнинг инсон вужудига ўтказадиган зарарли таъсиридан хабар бермоқдаларки, бу ҳодиса 14 асрдан сўнг эндигина англашилди ва бу борадаги тадқиқотлар ҳали давом этмоқда.

Ҳозирги замон тадқиқотчилари баданимиздаги табиий мўътадил ҳолатни тўлин ойдан қандай муҳофаза қилишимиз хусусида ҳали аниқ фикр айта олганлари йўқ. Зеро, келажакда тўлин ойнинг инсонга етказадиган зарарли таъсирларига қаршилик қила оладиган бирон бир муолажа усулини тиб олимлари кашф эта олармиканлар?

Буни эса вақт кўрсатади.

**Бобомурод ЭРАЛИЕВ тайёрлади.**

Charxi kajraftor

## ҲАЛОЛЛИК НАМУНАСИ

Япония — кунчиқар мамлакатни кўпчилигимиз илм-фан жуда ривожланган, тенгсиз техника кашфиётлари яратилаётган афсонавий юрт сифатида биламиз. Буни қарангки, японлар нафақат техник кашфиётлар, балки ҳуқуқий онглиликлари билан ҳам бошқа давлат фуқароларидан ажралиб туришар экан.

Кўчада, таксида ёки бирор ошхонада буюмингизни унутиб қолдирдингиз дейлик. Хўш, қайтиб бориб ўша унутиб қолдирган буюмингизни топа оласизми? Кўпчилигимиз ўйлаб ҳам ўтирмасдан бу саволга «йўқ», деб жавоб берамиз. Агар айрим ҳолларда, бир-ярим инсофли одам топиб олган буюмини эгасига қайтармаса, аксар ҳолларда ўша йўқотилган буюм ўз "янги эгасига буюради".

Японларда бундай бўлиши мумкин эмас экан. Улар бировнинг буюмини ҳеч қачон ўзлаштиришмайди. Хоҳ катта ёшли япон, хоҳ у ўсмир бўлсин, кўчада эгасиз ётган буюмни кўриб қолса, ўша заҳоти полицияга хабар беришади. Ёки яқинроқ жойдаги топилмалар бюросига топширишади. Бундай бюролар эса аллақачон комьпютерлаштирилган. Ҳар қандай топширилган буюмнинг ранги, туси, ҳажми, миқдори, хуллас, барча сифатлари ва топилган жойи ҳақидаги маълумотлар компьютер хотирасига киритилади. Мамлакатнинг барча шаҳарларида ана шундай хизмат турлари мавжуд бўлгани учун ҳам Токиода йўқотган буюмингиз ҳақидаги маълумотни бошқа шаҳардан туриб ҳам текшириб кўришингиз мумкин.

Кунчиқар мамлакатда топилмалар бюросига 1718 йилда полиция ходими Хидэо Фукунага томонидан асос солинган. Ўшандан буён бу бюро энг адолатли маҳкамалардан бири сифатида фаолият юритиб келади. Маълумотларга қараганда, 2002 йилда Токио шаҳрининг ўзида 23 миллион доллар миқдоридаги нақд пул топилмалар бюросига топширилган. Шундан 72 фоизи ўз вақтида эгаларига қайтарилган. 18 фоизининг эса эгаси чиқмаган.

Топилмалар бюросига топширилган пул ёки буюм олти ой давомида эгасини "кутар" экан. Агар мана шу муддат орасида топилманинг ҳақиқий эгаси топилмаса, у ушбу топилмани бюрога олиб келиб топширган одамга мукофот сифатида бериларкан.

## "ОҚИБАТ"ЛИ ТИМСОҲЛАР

Биз ўқиган китобларимиз, кўрган фильмларимиз орқали тимсоҳларни жуда ваҳший судралувчилар сифатида тасаввур қиламиз. Бироқ инсоний меҳр-оқибат мана шундай ваҳший жониворларни ҳам "мулойим"лаштириб, инсонга "меҳрибон" қилиб қўяр экан.

Ишонмаяпсизми? Унда Буркино-Фасо давлатининг Себу қишлоғига бориб кўринг. Бу қишлоқда кичкинтойлар бемалол тимсоҳлар билан ўйнаб юришади. Аёллар тимсоҳлар тўлиб-тошиб ётган дарёда кир ювишади, болалар чўмилишади. Тимсоҳлар уларга ҳужум қилиш у ёқда турсин, ҳаттоки халақит ҳам бермайди.

Бунинг сабаби шундаки, Буркино-Фасода тимсоҳлар муқаддас жонивор ҳисобланар экан. Маҳаллий аҳоли уларга сиғинар ва доимий равишда тимсоҳларни товуқ гўшти билан сийлаб туришаркан...

Шундай "зиёфат"дан сўнг ҳам тимсоҳларнинг одамларга ҳужум қилиши "нонкўрлик" ҳисобланади-да...

**Носир РАЖАБОВ тайёрлади.**



*Шаршара*

# ИЧКИЛИК КАСРИ

Nadomat

Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Бироқ бир бегуноҳ киши умрининг бевақт хазон бўлиши барчанинг юрагини ларзага солмай қолмайди. Чунки одам ҳаётига дахл қилиш ёвузликнинг энг юқори босқичидир. Абдуҳамид Чўлпон номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги бедазордан топилган номаълум шахснинг мурдаси ҳам нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки бутун қишлоқ аҳлини ҳам қаттиқ изтиробга солди.

Хўш, бу жасад бедазорда қаердан пайдо бўлди? Бундай ёвузликка ким қўл урди?

Гапни бироз илгарироқдан бошлайдиган бўлсак, ўшанда маҳаллада яшовчи Кўчқор Холматовнинг хонадонида тўй қизигандан қизиган. Тўй эгаси ҳам қўли очиқлиги-ю, топарман-тутармонлигини элга бир кўрсатиб қўймоқчи бўлдими, дастурхонга ноз-неъмат ва ичимликларни тўкиб ташлади.

Аввал ҳам судланиб чиқиб, маҳаллада отнинг қашқасидек бўлиб қолган Зокир Назаров ҳамтовоқлари Илҳом Ўроқов, Ҳусниддин Тўрабоев билан тўйхонада ўтириб, бўкиб қолгунча ичкилик ичишди.

Кейин ичкилик ўз таъсирини кўрсатди, бошлари қизиб, қўллари қичиб, эски қилиғи – жанжаллашиб хуморини ёзгилари келди. Улар бунинг учун баҳона қидиришарди. Баҳона ҳам топилди.

Ўша пайт Зокиржоннинг олдига жияни йиғлаган кўйи келиб қолди. Нима эмиш, шу маҳаллада яшовчи қариндоши Рашид унинг 100 сўм пулини йиртиб қўйибди. Тамом, бошланди жанжал.

– Рашид, сен мени ҳурмат қилмай қўйдинг, йўқса, шу жиянимнинг юз сўм пулини йиртиб ташлайсанми, – деди Зокир ўзини қаттиқ хафа бўлган кимсадек тутиб. Сўнг у бирдан Рашиднинг юзига чанг солди. Атрофни қуршаб турган ҳамтовоқлари ҳам қараб туришмади. Учовлон Рашидни итариб-туртиб тўйхонадан олиб чиқиб кетишди.

Рашид бир киши – якка ўзи эди. Зўравонлар эса уч киши, бунинг устига ароққа тўйиб олишган, маст эди. Шунинг учун улар ҳар қандай ёмонликдан тап тортишмасди. Охир-оқибат ҳам шундай бўлди. Зокир ҳамтовоқлари билан Рашиднинг ялиниб-ёлвориб, кечирим сўрашига қарамай шафқатсизларча калтаклашди. Ароқнинг кучи билан ваҳшийлашган, кўзи қонга тўлган зўравонлар Рашид Ёдгоровни уриб ўлдиришиб, унинг жон берганига ишонч ҳосил қилгач, жуфтакни ростлаб қолишди.

Улар бедазорга ҳеч ким келмади, ҳеч ким бизни кўрмади ва энди бизни ҳеч ким тополмайди, деб ўйлаб чучварани хом санашган эди.

Бу мудҳиш жиноят кўп ўтмай фош этилди. Қизиғи шундаки, жиноятни фош этишда тўй тасвирга туширилган видео кассета алоҳида эътиборни тортди ва кутилган натижани берди. Ушбу тасвирда Зокир Назаров ва унинг жиноий шериклари Илҳом Ўроқов ва Ҳусниддин Тўрабоев ҳамда қотиллик қурбони Рашид Ёдгоров акс эттирилган эди.

Мастлик оқибатида, ароқнинг касофати билан Зокир Назаров қариндоши, бир оиланинг суюкли фарзанди, ўзи ҳам уч боланинг отаси бўлган бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлди. Унинг ёш хотини бева, балоғатга етмаган фарзандлари отасиз чирқираб қолди.

Аввал ҳам судланиб, қамалиб чиққан Зокир Назаров тўғри йўлга тушиб ололмади. Яна мастликда қотилликка қўл урди. Бу унга ҳам, ҳамтовоқларига ҳам қимматга тушди. Улар жиноятга яраша жазо олишди.

Энг ёмони, ичкилик туфайли бундай жиноятга қўл уриш ҳолати ягона эмас. Ёши олтмишдан ошиб қолган Мелибой Тоштанов синглиси Маъмурахон аянинг хонадонига кириб келганида оёғида зўрға турар эди.

– Қарзинг бор эди, юз минг сўм, қачон берасан? — деб синглисига ўдағайлади у. Шундан сўнг жанжал бошланди. Мастлик оқибатида Мелибой ота ўз жигарининг дилига озор етказди. Сингил деганнинг ҳам жағи тинмади.

Бу жанжалнинг устига келиб қолган Маъмура аянинг ўғли Ойбек Жўраев тоғасининг ўзини идора қила олмайдиган даражада маст эканлигини ҳам ҳисобга олмади. Аксинча, мастлигидан фойдаланиб, «сен онамни нега хафа қилдинг», деб уни Андижонсой бўйига етаклаб келди. Жиян бу ерда тоғасини аёвсиз калтаклади, сўнг унинг чалажон жасадини сойга ташлаб юборди.

Ҳар икки мудҳиш жиноят — қотилликнинг илдизи, сабаби ичкиликбозликдир. Ўзи оқу қилмиши қора бўлган ароқнинг касофатига икки бегуноҳ инсон ҳаётдан бевақт кўз юмишди. Тўрт қотилнинг ўн саккиз йиллик умри қамоқда ўтадиган бўлди. Улар ичкилик туфайли ўз қариндошларининг қотилига айланишди.

**Ойбек МЕЛИБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ҚОРА ГУРУҲ ҚИЛМИШИ

## СУД ОЧЕРКИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Бундан Суярқулнинг бироз жаҳли чиқади. "Бунча сўрайверасиз, сизга ҳам ҳақингизни берамиз", дея қўрс жавоб беради.

Бунга Сарвар ҳам "муносиб" жавоб қайтаради. Яъни икковидан уйни бўшатиб қўйишни сўрайди. Хайрулла билан Суярқул шусиз ҳам бирор ой узоқроққа кетиб, шу билан излар босилишини истаётганди. Сарварнинг гапи баҳона бўлиб, улар Суярқулнинг Навоий шаҳрида яшовчи опасиникига йўл олишади. Бироқ тез орада уларнинг пуллари тугайди. Шу боис Хайрулла билан Суярқулнинг орасида жанжал чиқади. Суярқул Навоийда қолиб, Хайрулла яна С.Туймаеванинг уйига қайтади.

Сарвар Туймаева ўғирлик гўшт еб, ижарага жой бериб, мўмай пул топишдан мазахўрак бўлганди. Хайрулланинг ёлғизланиб қолганидан унга ёрдамчи топиб беришим керак, деган фикрга боради ва ниятини айтади. Хайруллага ҳам таклиф мойдай ёқиб тушади. Сарвар Каттанайманча қишлоғида яшовчи қариндоши, 1983 йилда туғилган Малик Маҳмадиёровни Хайруллага таништиради.

Янги ҳамтовоқлар ишни Мулла Мирзо қишлоғида яшовчи фуқаро Ойбаҳор Шодмонованинг бозор баҳоси 300 минг сўмлик сигирини гумдон қилишдан бошлашди. Кейинги гал Хайруллага Сарварнинг яна бир қариндоши, 1980 йилда туғилган Анвар Маҳмадиёров шерик бўлиб қўшилади. Анвар билан Хайрулла "Зарафшон" ширкат хўжалигининг Эски Жума қишлоғидан бузоқли сигирни ўғирлашиб, Анварнинг уйига олиб келишади.

Ўғлининг тунда бегона одам билан мол етаклаб ҳовлига кириб келганини кўрган оила бошлиғи Нурмурод ака таажжубга тушади. Йўлда келишгани бўйича Анвар Хайрулланинг Жом қишлоғида яшашини, Беклар қишлоғидаги опасиникига ўз молини олиб кетаётгани, унга одамгарчилик юзасидан ёрдам бераётгани, бемаҳал бўлиб қолгани учун тунаш мақсадида кирганлигини айтиб, отасини алдайди. Эртаси куни Нурмурод ака ишдан келиб, сигир-бузоқнинг ҳали ҳам ҳовли тўрида боғланиб турганини кўради. Шунда унинг кўнглига шубҳа оралайди. Ўғлини тергаганда, Анвар моллар чарчагани, автоулов топилмаётганини айтиб, баҳона қидиради. Эртаси куни милиция ходимлари келиб ўғриларни ушлагандан кейингина ота Хайруллага қўшилиб фарзанди ҳам қалтис қадам босгани, боши берк кўчага кириб қолганини англайди.

### IV. ЖИНОЯТ УСТИДА

Навоий шаҳрида Суярқул кўпам кун кўролмайди, яна қишлоққа қайтиб келади. Унга ҳам худди Хайрулла сингари ўғирлик қилиш учун ишончли шерик керак эди. Шу боис у қишлоғида яшовчи қариндоши Умар Мавлоновнинг уйига боради.

Умар дастлаб Суярқулнинг таклифига рози бўлмади. Бироқ Суярқул авраб уни йўлга солди. Улар Умар ишлайдиган "Бахт" фермер хўжалигининг қўрасидан саккиз бош қўйни ярим тунда ўғирлаб чиқишди.

Суярқул кўпчиликка, айниқса, милиция ходимларига отнинг қашқасидек белгили бўлиб қолган. Уни мол ёки қўй-қўзи билан кўришса, гумон қилишади. Шунинг учун Суярқул соясидан ҳам қўрқиб юради. Самарқанддаги Хишрав бозорига яқинлашгач, Суярқул ёнидаги қўйларни кўчалардан бирига ҳайдайди, Умарни харидор топиб келишга жўнатади. Умар топиб келган харидор 38 минг сўмга пешонаси оқ, малла рангли қўйни сотиб олади. Бироқ шу пайт Пастдарғом тумани ички ишлар бўлими участка нозири Шерзод Худайберганов уларни жиноят устида қўлга туширади.

### V. ЙЎЛДАН АДАШГАН НАСИБА

Воқеа бошида ўғирликка қўл урган аёл ҳақида кейинроқ тўхталишга ваъда қилгандик. Назаримизда, энди унинг мавриди келди. Хайрулла Ражабов билан фуқаро Мухтор Тиркашевнинг ғўнажинини 150 минг сўмга сотиб кетган аёл Насиба Шаропова эди.

Насиба Шаропова 1982 йилда Пастдарғом туманида туғилган. "Гўзалкент" ширкат хўжалигининг Қора қишлоғида яшайди. Онаси Адолат Шаропованинг айтишича, Насиба оилада бешинчи фарзанд. Уни Хайрулла Ражабов билан Абдуазим Ғайбулов жиноят йўлига бошлаган. Онаизор қизини қалтис йўлдан қайтариш

Jinoyatga jazo muqarrar

учун кўп уринган. Бироқ бу Насибага кор қилмаган.

Дастлаб Хайрулла Ражабов билан ўғирлик қилган Насиба Шаропова муқаддам икки марта судланган Абдуазим Ғайбулов билан никоҳсиз яшай бошлайди. Бунга қадар А.Ғайбулов бир қатор ўғирлик жиноятларини содир қилганди. Абдуазим билан Насиба қонуний никоҳсиз оила қуришгач, жиноий йўл билан бойлик орттириш ниятида ўзаро тил бириктиради. Улар ҳамқишлоқлари Қўзибой Бердиқуловнинг бозор баҳоси 360 минг сўмлик уч бош молини ўғирлашиб, Хишрав бозорида фуқаро Зокир Қурбоновга кўтарасига 210 минг сўмга сотиб юборишади. Бу орада сир очилиб қолиб, Абдуазим қамоққа олинади.

Насиба Шаропова Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан тўрт бош қорамолни ўғирлаб бозорга кетаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди Хайрулла Ражабов, Суярқул Омонов, Ислом Равшанов, Шуҳрат Исоқов, Анвар Маҳмадиёров, Малик Маҳмадиёров, Абдуазим Ғайбулов, Насиба Шаропова, Сарвар Туймаева, Умар Мавлоновлардан иборат жиноий гуруҳ аъзоларига қилмишларига яраша қонуний жазо тайинланди. Шу тариқа қора гуруҳнинг фаолиятига якун ясалди.

**Илҳом ЖАПАСОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**Адлия вазирлиги жамоаси ҳуқуқшунос Исоқулов Турдиқулга онаси *ҲИКМАТОЙ аянинг* вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.**

**«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ҳамда «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Аҳрор Холиқовга онаси *АНОРХОН аянинг* вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — [illegible]
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50